O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 23-avgust, chorshanba, 34 (364)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллиги олдидан

ШАРҚУ ҒАРБНИ ЁРИТГАН ШАҲАР

Яқинда Президентимизнинг матбуотда «Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Қадимий ва бой тарихи, бетакрор маданияти, буюк сиймолари билан жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган Самарқанд шаҳрининг қутлуғ ёшини муносиб нишонлаш тўғрисида ЮНЕСКО Бош конференцияси ҳам 2005 йил 20 сентябрдаги 33-сессиясида қарор қабул қилган эди. Миллий давлатчилигимиз ва маънавиятимизнинг кўҳна бешикларидан бири бўлган, ноёб тарихий-меъморий обидалар, муқаддас қадамжоларни ўз бағрида асраб-авайлаб келаётган азиз шаҳримизнинг юбилей тантаналари 2007 йилда Мустақиллик умумхалқ байрами кунларида кенг нишонланадиган бўлди.

Дарҳақиқат, Самарқанд шаҳрида бугун ҳам катта ҳажмдаги қурилиш, ободончилик ишлари давом этмоқда. Биргина мисол. Шаҳарнинг марказий истироҳат боғи Юртбошимизнинг бевосита маслаҳатлари, кўрсатмалари асосида тубдан қайта барпо этилди. Кенгайтирилиб, замонавий кўринишга келтирилган сайргоҳга шеърият мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг номлари берилди.

Суғдиёна — афсоналар боғи ҳам мамлакатимиз раҳбари маслаҳатлари асосида барпо этилди. Бугун Охалик тоғларидан эниб келаётган хушҳаво эпкин оғушидаги бу боғ ҳақиқий ҳордиқ масканига айланди.



Қадимшунос олим Амриддин Бердимуродов Самарқанднинг ўтмиши ҳақида қуйидаги маълумотларни баён этади: "Самарқанднинг бой ва сирли ўтмиши ҳақида шу даражада кўп ривоят ва афсоналар туғилганки, гоҳо афсоналар ва ҳақиқат ўртасидаги нозик чегарани илғаш ҳам қийин бўлади.

Қадимги Суғдиёнанинг пойтахти бўлган Самарқанд ўз бойликлари, қулай иқлими билан ҳамиша ёвларнинг ҳавасини қўзғаган. Оқибатда у неча бор урушлар, қирғинлар гирдобига тушиб қолган. Урушлар туфайли обод саройлар, қўшклар ловуллаб ёнди, вайрон бўлди, аммо аждодларимиз яна ва яна Самарқандни қайта тиклашга эришдилар. Лекин мўғуллар 1220 йили шаҳарни шу даражада қаттиқ вайрон қилдиларки, уни қайта тиклашнинг иложи бўлмади. У то 1370 йилгача вайрон ҳолатда қолиб кетди. Соҳибқирон Амир Темур кунпаякун этилган Самарқандни ўз давлатининг пойтахти қилиб танлар экан, қадимги Самарқанд — Афросиёбни қайта тиклашдан кўра, янги шаҳарни бунёд этишни маъқул топди. Шу туфайли Самарқанд икки тарихий ўринга эга шаҳар сифатида ҳам машҳурдир.

Соҳибқирон бобомиз Самарқандни алоҳида меҳр-муҳаббат билан севар, шу сабабли бир-биридан гўзал, бетакрор обидалар: Жомеъ масжиди, Кўксарой, Бўстонсарой, Гўри Амир, Шоҳизинда мақбараларини, шаҳар ичи ва теварагида 12 та боғ-саройларни айнан Самарқандда барпо эттиради.

Амир Темур яратган қудратли давлатнинг пойтахти бўлган қадимги Самарқандда инсоният маданияти тарихидаги энг нодир ҳодиса Ренессанс — Уйғониш жараёни бошланди ва ривожланди. Самарқандда ривожланган санъат ва маданият темурийлар давлатининг энг чекка ерларида ҳам маданиятнинг юксалишига туртки бўлди. Самарқандда порлаган илм-фан, маданият маёғи Эрон, Ҳиндистон, Хуросон, Туркия каби давлатларда ҳам илм-фаннинг ривожига катта таъсир кўрсатди. Шу сабабли Самарқандни қўёш каби порлаб, Шарқ ва Ғарбни ёритади, деб айтишга ҳақлимиз".

Шаҳарнинг мўғуллар истилоси давридаги каби вайронагарчиликлари яна ботбот қайтарилди. Истиқлол йилларида қайта чирой очган Самарқандни кўрганлар унинг чин маънода қайта туғилаётганига имон келтиришади. Келинг, ҳоришлик меҳмонлардан бирининг холис эътирофини эшитайлик. У яқингинада "Ўзбекистонда аёллар маданияти. Овруполик аёл Марказий Осиёда қадимий анъаналар изидан" деб номланган фотокўргазмасини Самарқанддаги Тарих ва санъат музейига тақдим этган Келлер хонимдир. Келлер хоним Германиядаги Олмон-Ўзбек илмий жамиятининг раиси ўринбосари, Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси. Хоним мустақил юртимизнинг гуллаб-яшнаётганидан ҳайратланиб, шундай дейди: "Мен ҳар сафар Ўзбекистонга келганимда, ўзбекларнинг ўтмишдошлари яшаб ўтган қадимий ёдгорликлар, мадраса ва мақбараларни, табаррук зиёратгоҳларни бориб кўраман. Ўзбекистонда бу соҳада охирги 10-15 йил ичида жуда кўп хайрли ишлар қилинибди. Самарқанднинг ўзида Имом Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Шоҳи Зинда, Мотурудий каби улуғ зотлар мақбаралари гўзал таъмирланибди. Ўз Ватанини севган, ўтмишини қадрлаган, келажагига ишонган халқнинг ана шундай эзгуликларга қодир бўла олади".

— Университет хиёбони шаҳримизнинг энг хушманзара гўшаларидан бири ҳисобланади. Бу ердаги айрим қариган, касалланган дарахтлар янгиланиб турилади. Бу йил эса хиёбонни тубдан таъмирлаяпмиз, — дейди Самарқанд шаҳри ҳокими Сухроб Рафиқов. — Умри узоқ манзарали дарахтлар ўтказиш, йўлакларни қайта қуриш, фаввора, ўриндиқ, панжара, ёритгичларни ўрнатишда Самарқанднинг ўзигагина хос бўлган уйғунлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилаяпмиз. Бу ишга мутахассис олимлар, тажрибали боғбонлар, қурувчилар жалб этилган. Шаҳримизнинг 2750 йиллиги тантаналарига ташриф буюрадиган меҳмонлар сўлим хиёбонни сайр этиб, хушнуд бўладилар, деган умиддамиз.

Президентимиз қабул қилган Қарорда, жумладан, Самарқанд шаҳрида коммунал соҳасида хизмат кўрсатишни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шаҳарда бу борада чиндан ҳам муаммолар мавжуд. Қарор эса коммунал соҳадаги камчиликларни тугатишда дастурламалдир. Айни маҳалда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳволини яхшилаш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилмоқда. Жаҳон банки иштирокидаги Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари сув таъминоти лойиҳасининг тадбиқ этилганлиги мамлакатимизда қадимий шаҳарларга эътибор чиндан ҳам давлат аҳамиятига кўтарилганидан далолат беради.

Хуллас, юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги арафасида шаҳар ўзгача чирой касб этмоқда. Халқимиз, барча самарқандликлар ер юзининг сайқали дея эътироф этишган афсона ва эртаклар шаҳрининг 2750 йиллигига муносиб тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ўктам ҚУРБОНОВ,
"Миллий тиклaниш" мухбири.

● Ифтихор

ЮЗ ЙИЛЛАРГА ТАТИГУЛИК ДАВР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигини кенг нишонлаш ғоят қисқа муддатда қўлга киритилган ютуқлар салоҳиятининг ёрқин намунасидир. Бу, хусусан, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанддек муқаддас она шаҳримизга ўзгача файз ва шукуҳ касб этмоқда.

Бежиз эмаски, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) нинг амакиваччалари Қусам ибн Аббос, яъни Шоҳи Зинда Маккада туғилиб, Самарқандда абадий қўним топганлиги боис шаҳримиз Аллоҳ назари тушган ардоқли замин эканлигидан далолатдир. Бу ерда не-не авлиё-анбиёлар, улуғ алломалар жисми поки макон этмаган дейсиз! Уларнинг руҳи поклари шаҳримиз мадраса-ғумбазлари узра чарх айланиб, ушбу табаррук заминни асрлар оша паноҳида асраб келмоқда.

Бинобарин, мустақиллигимиз она заминимизда мангуга ётган авлод-аждодларимиз ҳоки пойини обод қилишга, муқаддас ислом динимизга эътиқод қилишга кенг имкониятлар яратиб берди. Истиқлол бизга халқ, миллат сифатида ўзлигимизни, қадр-қимматимизни қадрлашни ўргатди. Урф-одатлар, анъана ва қадриятларимизнинг туб моҳиятини фуқароларимизга тўғри ҳис эттира олди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз ва Темурийлар томонидан келажак авлодларга атаб қурдирилган тарихий обидалар қаровсиз, ҳатто ташландиқ аҳволда эди.

Улар устида бегона ўтлар қовжираб ётар, Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан олинган муқаддас битиклару оятлар ҳарфларининг оҳори тўкилиб, ўқиб бўлмас даражага келиб қолган эди. Масжидлар ичида қишлоқ хўжалиги учун сақланадиган заҳарли дорилар, ўғитлар сақланарди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мустақиллик даврида шахсан Президентимиз саъйи-ҳаракати билан барча тарихий обидалар қайта таъмирланди ва умри узайтирилиб, атрофи ободонлаштирилди ҳамда кўркига кўрк қўшилди. Натижада бу тарихий ёдгорликлар ёшларимиз ва чет эллик сайёҳларнинг табаррук зиёратгоҳига айланди.

Ўзбек дипломатияси халқаро дипломатия майдонида яна муносиб ўрнини эгалладi. Темурийлар сулоласи давридан беш ярим аср ўтгандан кейин тағин ўзининг бор бўй-бастини ёрқин намоён этди. Шак-шубҳасиз Ўзбекистон мустақиллигини мозийнинг янги заминга туташтирадиган беназир давр кўпригига ўхшатсак, ўринлидир.

Абдуқаюм КАРИМОВ,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси.

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Сирдарё вилояти Оқолтин туман ва Янгиер шаҳар кенгашлари ташаббускорлигида турли миллат вакиллари иштирокида «Қудратимиз бирлик ва ҳамжиҳатликда» мавзуида дўстлик учрашуви ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Қизириқ туман кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан «Балли, қизлар!» кўрик-танлови ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туман кенгаши ташаббуси билан «Ибн Сино мактаблари» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Сурхондарё вилояти Шеробод туман кенгаши ташаббускорлигида «Миллий маъанавий қадриятлар — ёшлар нигоҳида» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Наманган туман кенгаши ташаббуси билан «Кичик Тошбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинида «Оила, маҳалла ва миллий тиклaниш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Навоий вилояти Қизилтепа туман кенгаши «Энг обод маҳалла» танловини уюштирди.

* * *

Партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши фаоллари «Мустақиллик ва конституция ҳимояси ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз» мавзуида бошланғич партия ташкилотларида давра суҳбатлари уюштирди.

* * *

ЎзМТДП Қўқон шаҳар кенгаши «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан «Мустақиллик менинг тақдиримда» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Ғаллаорол туман кенгаши ташаббуси билан «Янгича фикрлайдиган, замонавий тафаккурга эга ёшларни тарбиялаш вазифалари» мавзуида тадбир ўтказилди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Партия ҳаёти

ХОТИН-ҚИЗЛАР — ҚАНОТИМИЗ

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб жамиятимиз ҳаётида хотин-қизларнинг ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Президентимизнинг фармонлари, ҳукумат қарорлари, давлат дастурларининг самараси туфайли бугун юртимизда аёл қадри юксалмоқда. Хотин-қизларимизни нуфузли ва масъулиятли давлат ишларида ҳам, илғор ишлаб чиқариш корхоналарида ҳам, бепоён далаларимизда ҳам кўриш мумкин. Улар нафақат оилада, балки жамоат ишларида ҳам нималарга қодир эканликларини кўрсатиб, эл-юртнинг жонкуяр аъзоси сифатида ўз ўринларини топиб бормоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлари қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада юртимизда амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунга келиб аёллар мамлакатимизнинг сиёсий ҳаётида тобора фаол иштирок этишмоқда. Масалан, Ўзбекистон «Миллий тиклaниш» демократик партиясидаги 68 минг аъзонинг 32 мингдан ортиғини хотин-қизлар ташкил этиши ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида мазкур институт билан ҳамкорликда ЎзМТДП Марказий кенгаши партиянинг «Хотин-қизлар қаноти» иш фаолиятини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзолари, Хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ва партиянинг Хотин-қизлар қанотлари фаоллари иштирок этишди.

Семинарни институт директори Маъруф Усмонов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедовга сўз берилди.

— Партиямиз аъзоларининг 47,2 фоизини аёллар ташкил қилади. Бу ниҳоятда катта куч, — деди Х.Дўстмуҳамедов. — Партиянинг маҳаллалар билан ҳамкорлигини йўлга қўймасдан туриб унинг ишини яхшилаб бўлмайди. Қайси маҳаллага бормайлик, аёллар муаммоси ҳам мавжуд.Бу муаммолар фақат уларнинг эмас, балки жамиятнинг, бизларнинг ҳам муаммо бўлиши керак, деб ўйлайман. Шундай экан, ёшидан, жамиятда эгаллаган ўрнидан қатъий назар хотин-қизларнинг муаммолари ечимини биргаликда топишга интилишимиз керак. Улар билан ҳамжиҳатликда ишлашимиз зарур, бу борада аниқ йўналишлар белгилаб олиниши керак.

Йиғилишда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мунира Қориева мустақиллик йилларида хотин-қизлар ҳаётида юз берган ўзгаришлар, ютуқлар ҳақида гапирди. Ўтган 15 йил муддатда қилинган ишларни ҳориж тажрибаси билан солиштирди ва амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг аёллар билан ишлаш бўйича лойиҳа раҳбари Сайёра Хўжаева «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва фуқаролар сиёсий фаоллигини оширишдаги ўрни» мавзуида маъруза қилди. У аёлларнинг сиёсий жараёндаги ҳаракати сустлигини мисоллар билан кўрсатиб берди.

(Давоми 2-бетда)

Бугуннинг гапи

Ундан 67 йил бурун Ҳамзанинг "Майсаранинг иши" комедияси Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида биринчи марта томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Айтишларича, спектакль 40 кун тўхтовсиз ўйналган ҳамда театр ишқибозларининг олқишига сазовор бўлган. Ўшанда Марям Ёқубова, Сойиб Хўжаев, Абдурауф Болтаев, Умар Абдуллаевлар ўзларига бириктирилган ролларни қойилмақом қилиб ижро этишган. Шу ҳақда ўйлар экансан, бугунги театрларимиз учун ўша тенгсиз истеъдодларнинг ижод шукуҳи нақадар лозимлигини ҳис этасан, киши. Аслида ўзбек миллий театрчилиги бутун Марказий Осиё давлатлари театрларининг ғоявий отаси бўлгани тарихдан маълум. Қўшниларимизнинг кўзга кўринган театрлари-ю, актёрлари ўзбек миллий театршунослигидан ўсиб чиққан. "Тоҳир ва Зуҳро", "Олтин кўл", "Навоий", "Машраб", "Чўлпон", "Ватан ишқи" сингари кўплаб саҳна асарлари ўз вақтида минг-минглаб томошабинлар кўнглидан жой олди. Бугун эса...

БИЗГА ҚАНДАЙ ТЕАТР КЕРАК?

Тўғрисини айтиш керак, ҳозир театрларимиз фаолияти, ижод репертуарлари анча бойиб, янгидан-янги саҳна асарлари устида ишланмоқда. Айниқса, комедия жанридаги спектаклларнинг бозори анча чаққон. "Чимилдиқ", "Қирмизи олма", "Андишали келин" сингари бир қатор саҳна асарлари миллий театрларимизда анча муваффақиятли чиқди. Ҳатто, уларнинг баъзилари юз мартадан ортиқ саҳна юзини кўрди. Бу, албатта, қувонарли ҳол. Негаки, томошабин театрга қайтмоқда. Бир неча йил бурун театр эшигидан мўраловчилар кескин камайиб кетганлиги сир эмас. Бори ҳам мажбуран келаётган талабалар, ўқувчилар эди. Энди эса нафақат санъат ошнолари, балки оддий кишилар ҳам театрга қадам ранжида этишаётир.

Ўзим театрга анча қизиқаман. Айниқса, опера жону дилим. Бир куни яқин танишим Ўзбек Давлат миллий академик театрида қўйилаётган "Андишали келин" спектаклига таклиф қилиб қолди. Жуда хурсанд бўлдим. Ахир, бизда ҳам фақат кинога эмас, театрга қизиқадиган ёшлар бор экан-ку. Қувончларим бир жаҳон бўлса-да, аммо спектаклнинг савияси менга унчалик маъқул бўлмади. Драматург Эркин Хушвақтовнинг "Андишали келин" саҳна асари, тўғриси, бироз кишини мулоҳазага чорлайди. Билмадиму, аввало, спектакль тўлақонли қайси жанр маҳсули эканлигини ҳис этиш қийин. Бошдан-охир қайнона ва келин ўртасида зиддият яратишга ошиққан муаллиф, буни эплай олмаган кўринади.

Негаки, келин ўта андишали бўлганидан, қайнонасининг барча қилиқларига чидайди. Зулмкор қайнонанинг қилиқлари, қўни-қўшниларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб, асарга миллий қадриятларимиз нуқтаи назаридан баҳо беришга тилингиз бормайди. Бу спектаклни томоша қилган одам "қуриб кетсин бундай урф-одат" дейиши турган гап. Миллий урф-одат ва қадриятларни халқимиз улуғлаб, ардоғида сақлаб келаётгани тўғрисида асар бўлганда, уни миллий ўзлик руҳидаги асар деб баҳолаш мумкин эди. Бироқ, томошабинни кулдираман, деб собиқ шўро давридаги каби миллий қадриятларни "зарарли" қилиб, одамларга кўрсатиш, ҳар на бўлса-да, ўзини оқламайди. Қолаверса, асардаги кўча сўзлари ҳам нафақат маънавият бўстонига, балки оддий автобус бекатига ҳам тўғри келмайди. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун қаҳрамонлар диалогидан бир парча келтирсак.

— Исминг нима?

— Холбика.

— Холинг йўқ-ку, нега Холбика қўйишган?

— Холим кўринмайдиган жойда.

Энди, ўзингиз айтинг, одамлар ўша "кўринмайдиган жой" деб қаерни ўйлашар экан...

(Давоми 2-бетда)

● *Парламент фаолияти*

МИЛЛИЙ ҚОНУНЛАРИМИЗ — ЮРТИМИЗ ФАХРИ

Ўзбекистон мустақиллиги халқимизнинг XX аср сўнгида қўлга киритган улкан тарихий ғалабасидир. Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг ўн беш йиллигини нишонлашга саноқли кунлар қолди. Ўтган қисқа, лекин сермазмун йўлга назар ташлаб кўз кувонади, дил яйрайди. Равон йўллар, улуғвор бинолар, манзилни яқин айлаган гўзал кўпригу тоннеллар, қўшма корхоналар мустақиллик шарофати бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётига, салоҳиятига муносиб ҳисса қўшиб турибди.

Пойтахт вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги оромгоҳлар эса тўқ ва фаровон ҳаётимизнинг рамзи сифатида элга муносиб хизмат кўрсатмоқда. Мустақилликка халқимиз ўзга юртлардагидек тоғлар қўйнида жаҳон андозаларига монанд сўлим оромгоҳлар бўлишини орзу қиларди. Бугунги кунда Чорвоқ денгизи бўйидаги оромгоҳларга чет эллик бойваччалар ҳам ҳавас билан қараётганининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Яқинда ана шундай оромгоҳлардан бири — Олмалиқ кон-металлургия ҳиссадорлик жамиятининг "Олтин олма" оромгоҳида "Депутатларнинг касбий салоҳиятини ошириш" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш" лойиҳаси асосида ўтказилган ушбу анжуман ҳам мустақиллигимиз берган имконият, Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига аъзолиги, Миллий байроғимиз БМТ биносининг устида ҳилпираб турганлиги шарофатидир.

Анжуманда уч йўналиш — депутатларнинг қонунчилик техникасига оид билимларини такомиллаштириш, депутат одоби, парламентда баҳс-мунозаралар маданияти мавзуларида ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Ҳуқуқий демократик давлат қуришда қонун ижодкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Семинарда қатнашган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов шундай деди: "Мустақилликнинг илк йилларида мамлакатимиз қонунчилигида миллий қонунларимизни зудлик билан яратиш масаласи ўта долзарб эди. Қисқа даврда Миллий қонунчилик мактаби яратилди. Миллий қадриятларимиз ва жаҳон тажрибаси асосида миллий қонунларимиз вужудга келди. Икки палатали парламентга ўтилиши эса миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш имкониятларини беради».

Шунингдек, Спикер қонунларимизнинг тили ва услубида камчиликлар мавжудлиги, қонунларнинг тил услубини ўзбекчалаштириш лозимлиги ва бу масалани амалга ошириш учун кадрлар тайёрлаш кераклигига алоҳида тўхталиб ўтди.

Мен қонун ижодкорлигининг ушбу йўналишига эътиборингизни қаратмоқчиман. Дарҳақиқат, қонун тилшунослигида муаммолар йўқ эмас. Сабаби, собиқ советлар даврида қонунлар фақат рус тилида яратилган ва ундан кейин бошқа тилларга ўгирилган. Шунинг учун русийзабон тафаккур туфайли рус тили хусусиятлари, яъни рус тилидаги сўз қурилиши миллий қонунчилигимизда кўп учрайди. Уни сунъий гаплар, қурилма гаплар десак ҳам бўлади. Фикримни янада яққолроқ тушунтириш учун мисол келтираман. Бу жумла семинарда ҳам тилга олинди.

«Она принимала солнечную ванну». Тиббий мақолада у қуйидаги тарзда ўгирилган: **«Аёл қуёш ваннасини қабул қилди».**

"Бу ерда моҳият бузилган.Омборчи ваннани қабул қилиб олиши мумкин. Инсон ваннага тушади, душда чўмилади", дея тавсия қилинди семинарда. Бу фикрга қўшиламан. Бироқ бу ерда ҳам таржима русча сўз қурилишига ҳамоҳанг. Соф ўзбек тилида бериш лозим бўлса, у шундай ифодаланади:

Аёл қуёш нурларида тобланди.

Шунингдек, ҳуқуқий атамаларни таржима қилиш ҳолатларида ҳам муаммолар йўқ эмас. Масалан, халқаро қонун ҳужжатларида «экстрадиция» сўзи мавжуд. У рус тилига «выдача» деб таржима қилинган. Ўзбек тилидаги қонунларимизда эса ушлаб бериш деб ишлатилади. Ҳуқуқий атамалар китобида унинг асл маъноси шундай ифодаланади: жиноий жавобгарликни амалга ошириб, бошқа давлат ҳудудига қочиб ўтиб кетган шахсни ўша иккинчи давлат органлари ушлаб биринчи давлат органларига расман тоширишидир. Депутатлар ушбу сўзни тушунтириб топшириш деб ўгириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдилар. Мантиқан ушбу таржима тўғри. Лекин менинг фикримча, ушбу таржимани изоҳ сифатида қавс ичида бериш мумкин. Халқаро аҳамиятга эга сўзларни зўрма-зўраки таржима қилиш шарт эмас. Тилнинг ривожланиш қонуниятларида барча тилларга хос бўлган битта қоида мавжуд. Тилнинг ривожланиш омилларидан бири интернационал сўзлар ҳисобига бойиб боришидир.

Шунинг учун халқаро терминнинг ўзини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Миллий қонунларимиз тилида "қурилма сўзлар", сунъий гаплар етарлича топилади. Аввалига иш бошлаганимизда улар бизга эриш туюлди. Энди бироз ўрганиб қолдик. Лекин ўрганиб қолганимиздан биз депутатлар қийналамиз ҳам. Чунки бошқача фойдаланишнинг иложи йўқ. Сабаби битта: асосий қонун ва кодексларимизда ана шундай таржима қилинган. Атамалар ҳамма манбаларда бир хил бўлиши керак, деган анъана мавжуд. Бу мулоҳаза тўғри,бироқ хатоларни тузатиш йўлларини ҳам топишимиз керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси норматив ҳуқуқий атамалар комиссияси фаол ишлаяпти. Бироқ унинг таркибини янада кенгайтириш ва фаолиятини янада кучайтириш лозим. Қўмиталар ҳузурида мутахассислардан иборат эксперт гуруҳлари ташкил этилган. Комиссия ҳузурида ҳам тилшунос, адабиётшунос ва бошқа мутахассислардан иборат ана шундай гуруҳни тузиш керак.

"Давлат тили тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида қонунларимизни ўзбек тилида яратиб, зарурат бўлганда, бошқа тилларга ўгириш кераклиги белгиланган. Ушбу вазифани бажариш учун семинарда Спикер таъкидлаганидек, аввало, малакали мутахассислар тайёрлаш керак.

Қонун ижодкорлигини кузатиб, шундай хулосага келдим: журналистика ва қонунчилик уйғунлашган йўналиш экан. Журналистика факультетларида ҳозир уч йўналиш мавжуд. Уларда қўшимча қонун ижодкорлиги йўналишини очиш лозим. Журналистика ва ҳуқуқшунослик уйғунлаштирилган методологияни ишлаб чиқиш керак. Ана шунда ўзбек тилидаги қонунларда учрайдиган муаммолардан, сунъий қурилма сўзлардан қутулиш мумкин. Зеро, ўзбек тилига ўгириш жараёнида аслият таъсирига тушиб, ўзга тил хусусиятлари она тилимизга беихтиёр ўтказилаверади.

Тилдан тўғри фойдаланишни қайси ташкилот назорат қилади? Буни ҳам ўйлаб кўриш керак. Семинарда Вазирлар Маҳкамаси қошида аввалгидек Атамашунослик қўмитасини ташкил этиш ҳақида ҳам гапирилди. Бу фикрни депутатлар қўллаб-қувватлашди.

Алишер Навоий бобомиз туркий тил гўзаллигини бу тилда тафаккур қилиб, гўзал асарлар битиш мумкинлигини ўз даврида исботлаган эди. Бугун зиёлилар олдида турган вазифа — расмий тилда ҳам гўзал асарлар яратиш мумкинлигини исботлашдир. Ўзбек тилида қонунлар тайёрланишини, зарурат бўлганда бошқа тилларга ўгирилишини қалбида Ватан туйғуси бўлган ҳар бир зиёли орзу қилади. Зеро, ушбу қонунлар ўзбек халқи, унинг осойишталиги, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги учундир. Мамлакат Конституциясида белгиланганидек, ҳар бир киши ўзлигини таниса, ўз ҳуқуқини билса, ҳуқуқий демократик давлат қарор топади. Бунинг учун қонунларимиз содда, аниқ ва тили равон бўлиши зарур. Бир сўз билан айтганда, халқчил бўлиши керак.

Семинарда қонун ижодкорлиги принциплари ҳақида ҳам сўз юритилди. Кўплаб принциплар санаб ўтилди, бироқ халқчиллик принципи тилга олинмади. Қонуларимизнинг тили содда, аниқ ва равон бўлиши, яъни халқчиллиги асосий принципларидан бири бўлиши керак. У ерда қонунийлик принципи саналиб ўтилди. Аммо мен қонунийлик принципи сифатида таъкидланганига қўшилмайман. Қонунийлик асосий мақсад, моҳиятдир.

Тил ва тафаккур ҳамиша уйғундир. Ўзбек тилида қонун тайёрланиб, инглиз ва рус тилларига ўгирилса, деб орзу қиламан. Ана шунда қонунчилигимизнинг тили ўзбекона бўлади. Зеро, қонунлар ўзбек халқи учун, халқимизнинг фаровонлиги, тинчлиги, юрт осойишталиги учундир.

Раъно Зарипова,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

● *Таълим*

Мамлакатимиз иқтисодиёти тараққиётига ҳисса қўшиш ва уни ривожлантиришга барчамиз бирдек масъулмиз. Бу йўлдаги ватанпарварлик ҳам инсонийлик бурчимиздир. Шу боис бирор бир мутахассис ёки фуқаро бу жараёнга бефарқ бўлиши мумкин эмас.

ФАННИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЗАРУР

Таълим-тарбия ишида ўқитувчиларнинг ўрни жуда катта. Чунки ҳар бир устоз ўқувчиларига билим беribгина қолмасдан, уларнинг қалбида Ватанга, эл-юртга, меҳнатга бўлган муҳаббат ва ҳурматни тарбиялайди. Ўқувчилар мактаб давридаёқ самарали меҳнат қилишга ўрганмоқлари, катта ҳаётга тайёргарлик босқичларини ўтамоқлари керак. Ушбу жуда салмоқли ва мураккаб вазифани ҳал этишда ҳар бир фаннинг ўз аҳамияти ҳамда ҳар бир фан ўқитувчисининг алоҳида масъулиятли ўрни мавжуд, шу жумладан, математиканинг ҳам.

Мамлакатдаги ўзгаришларни, юксалишларни кўрсатиб берар эканмиз, қиёсий мисоллар келтирамиз. Улар рақамлардир. Масалан, юртимизда фермер хўжаликларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда, бу соҳада ишлаётган кишиларнинг сони бир миллиондан ортди, улар томонидан кейинги йилларда режадан орттириб маҳсулот етиштирилмоқда. Мана шу нарсаларни эътиборга олиб, математика дарсликларига киритиш учун ушбу йўналишда масалалар тузиш ҳам мумкин. Мактаб ўқувчилари учун ёзилган дарсликларда айнан шу соҳага етарлича эътибор берилмаган, десак ҳам бўлади. Масалан, фермер хўжаликларида олинаётган даромад, ҳосилдорлик ва фермер хўжалигининг банк билан муносабатлари тўғрисидаги масалалар жуда кам. Улар ҳам фермер хўжаликларининг афзалликларини тўлиқ очиб бера олмайди. Ўқувчиларни бугун жамиятимизда юз бераётган ўзгаришлар орқали жонли мисоллар билан таништириб бориш ҳар томонлама фойдали. Айниқса, қишлоқ мактаблари ўқувчилари фермер хўжаликларининг фаолияти билан мактаб партасиданоқ яқиндан танишиб олишлари зарур деб ўйлайман. Фермерлик ишини ташкил қила билиш билим ва кўникмаларига эга бўлиш мақсадида улар эътиборини айнан шу мазмундаги масалаларга қаратиш керак.

Ўқувчиларда фермер хўжаликлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш ва уларнинг афзалликларини исботлаш учун масалаларни узоқдан ахтармасдан бевосита ўқувчилар иштирокида тузиш машғулотлар сифатини янада оширади. Бундай масалалар фермерлик фаолияти, саноатни ривожлантириш, кичик корхоналар, хусусий корхоналар иш фаолияти ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қуйидагича кўринишда: "Фермер хўжалиги уруғ сепишни 6 кунда тамомлашни мўлжаллаб қўйган эди. Ҳайдаш ҳар куни 10 % ошириб бажарилди, шунинг учун ер ҳайдаш муддатидан бир кун олдин тугалланди. Ер неча кунда ҳайдалганини ва у неча гектар эканини аниқланг." Ёки бошқачароқ. «Бир фермер ўз майдонидан 35 центнер буғдой ҳосили олди. Иккинчи фермер эса ундан 8 гектар кам бўлган майдонда 3680 ц ғалла етиштирди. Иккинчи фермер ҳар бир гектардан биринчи фермерга қараганда 5 ц ортиқ ҳосил олгани маълум бўлса, ҳар бир фермер 1 гектар майдондан қанчадан ҳосил олган?» Бунга ўхшаган масалаларни кўплаб тузиш мумкин.

Энг муҳими, шундай йўл тутилса, фарзандларимиз мамлакатимиздаги бунёдкорлик жараёнида бевосита иштирок этадилар. Дарс машғулотларига бундай ижодий ёндашув ўқувчиларда меҳнатга бўлган муҳаббатни, топилган даромадни тежамкорлик билан сарфлашни, ишлаб чиқаришга бўлган ижобий ҳислатларни шакллантиради, назаримда.

Ҳар бир ўқитувчи дарсга ижодий ёндашиши керак, бунинг учун устоздан эринмасдан ўзи дарс бераётган фанни янада чуқур ўрганиш талаб этилади. Донишмандлар айтганидек, ўқитиш учун икки марта ўқиш керак. Ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгаши олдидан ҳар йили юртимиздаги тажрибали ўқитувчи-мураббийларнинг иш жараёнларидаги ўзига хослик ўрганилиб, кенг миқёсда тарғиб қилинади. Ўйлайманки, юқоридагига ўхшаш ҳаётий мисолларни дарс ўтиш жараёнида қўллайдиган, ўз тажрибасига эга ўқитувчиларимиз кўп. Уларнинг ноанъанавий дарс ўтиш услубларини оммалаштириш керак.

Умид ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси.

БИЗГА ҚАНДАЙ ТЕАТР КЕРАК?

(Боши 1-бетда)

— Менимча, асар чакки чиқмаган. Ҳаётимиздаги камчиликларни кулги билан очиб берилган, — дейди талаба Д.Назарова. — Мен буни бачкана асар деб баҳоламайман. Мисол учун, "Келинлар қўзғолони" ҳам шунга яқин асар. Шундай бўлса-да, неча йилдирки, халқимиз ардоғидан тушмай келаяпти.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, "Келинлар қўзғолони" бор бўйи билан ўзбекона. Фармонбиби биронта келинини туғмагани учун хўрламаган, балки ҳаммаси бир жойда, аҳил-иноқ яшашини истаган. Ундаги қаҳрамонларнинг биронтаси маза-бемаза сўз айтмайди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. "Қирмизи олма" спектакли режиссёри Мунаввара Абдуллаеванинг "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига берган бир фикрига кўзим тушганди. Унинг қисқача маъноси шу эдики, санъатшунослар нима деса ҳам, барибир, саҳна асарига асосий баҳони томошабин беради. Албатта, бу фикрда жон бор. Яратилаётган ҳар бир асар томошабинга мўлжалланади. Табиийки, ҳақиқий баҳони томошабин беради.Бироқ, театр Авлоний айтганидек, "муаллими одам", Беҳбудий таъкидлаганидек, "ибратхона" эканлигини ёддан чиқармаган ҳолда шу нарсани айтиш керакки, спектакль оддий халқ савиясида эмас, балки халқ савиясини кўтариш даражасида бўлмоғи лозим. Бундай асар яралиши ижодкор маҳорати-ю, Худо берган истеъдодига боғлиқ.

Замон ўзгариб, кун сайин тараққиётга эришиб бораяпмиз. Ҳозир бир жойда туриб қолиш фойда келтирмайди. Театр ҳам бундан мустасно эмас. Яқинда рус нашрларидан бирида Ростов-Дон шаҳридаги театрлардан бири ҳақида маълумот берилган экан. Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида жойлашган ушбу театр бор-йўғи 130 нафар томошабинга мўлжалланган бўлиб, замонавий совутиш ва иситиш техникалари билан жиҳозланган. Балки, бизнинг театрларимизга ҳам шундай янгиликлар зарурдир. Одамлар орасига имкон қадар кириб борилса, яхши бўларди. Кичкина, ўз навбатида, уйингиз ёнида театр бўлса, сизга ҳам маъқул тушиши табиий. Айниқса, жаҳон ва миллий адабиётимизнинг кўпгина нодир асарлари саҳналаштирилса, театрларимизнинг обрўси ошиб, халқимизнинг маънавий дунёси янада бойиб боради. Бу билан театр ўз зиммасидаги асосий ишни бажарган бўлади.

Қобилжон ХИДИРОВ.

ХОТИН-ҚИЗЛАР — ҚАНОТИМИЗ

(Боши 1-бетда)

Жумладан, сайлов жараёнларида ЎзМТДП вилоят ва туман кенгашларидан депутатликка номзодлар кўрсатишда аёллар бир четда қолиб кетгани, натижада кўпгина вилоятларда хотин-қизлар фаоллиги сезиларли бўлмаётгани таъкидланди. Бундан ташқари, ўтказилган социологик таҳлилларга асосланиб, қизларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириши сўнгги йилларда камайгани, уларнинг иш билан таъминланиши муаммолари ҳақида ҳам сўз юритди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Мирзажонова партия сафларидаги хотин-қизлар эришаётган ютуқлар ва улар ҳаётидаги муаммолар ҳақида гапирди. Семинарда сўзга чиққанлар партия хотин-қизлар қанотининг ишини янада жонлантирилиши аёлларимизнинг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилишини эътироф этишди. Семинарда Лола Саидова, Зулфия Тўхтаҳўжаева, Мукима Абдуллаева, Ҳалима Жуманиёзова, Дилбар Қобулова, Хадича Ибодова, Дилфуза Шодиева, Мукамбар Азимова, Дилбар Раҳмонова, Саидахон Йўлдошева, Холида Очиловалар куюнчаклик билан кун тартибидаги масала юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Шунингдек, тадбирда хотин-қизларимиз ҳаётидаги оғриқ нуқталар, ечимини кутиб турган муаммолар, уларнинг сабаблари ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, ишсизлик, енгил ҳаёт ортидан кун кечираётган хотин-қизларнинг кўпайиб бораётгани ҳам афсус билан қайд этилди. Партиянинг вилоят кенгашларидан келган фаоллар бу борада ўз фикрларини билдиришди. Қизғин баҳс-мунозара тарзида ўтган тадбир якунида иштирокчилар хотин-қизлар қанотлари мутахассисларининг касб маҳоратини ошириш мақсадида жойларда туркум ўқув-семинарларининг ўтказилиши мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлашди.

Гули ОЛИМОВА.

Нўъмонжон Муҳаммаджонов

АБУЛҚОСИМ *ўнинг бунёдкори*

Ўтмишда маърифатли аждодларимиз томонидан бунёд этилган мадрасалар ўзида ҳар бир давр меъморчилигини намоён этувчи, дунёвий ва диний билимлардан сабоқ берувчи илм даргоҳи бўлганлиги тарихдан маълум. Бутун дунё тан олган улуғ математик, астроном, файласуф, рубоийнавис шоир Умар Хайём навқиронлик пайтида Самарқанд ва Бухорога келганлигининг боиси ҳам шунда десак, хато бўлмас. Хайём бу ерда саккиз йил яшаб, мадрасаларда илмини бойитди. Мавлоно Абдурахмон Жомий, ҳазрат Алишер Навоий ҳам Тошкент ва Самарқанду Бухорога меҳр кўзи билан қараб, ташриф буюрганлар, Самарқанд мадрасаларида таҳсили илм кўришган.

Тошкентнинг ўзида йигирмадан ортиқ мадрасалар, олий билим юртлари бўлган. Улардан бирининг номи "Хонақойи мўйи муборак" эди. Кейинчалик бу хонақоҳ "Мадрасаи мўйи муборак" номи билан шуҳрат топган. Бешёғоч даҳасидаги Пайғамбаримизнинг муборак сочлари сақланадиган бу хонақоҳнинг умрини узайтириш, уни янада улуғлаш мақсадида тошкентлик Шайх-ул-ислом Эшонхон тўра ўғли Абулқосим эшон томонидан мадраса мажмуа сифатида барпо этилган. У бугунги кунда кўркам «Халқлар дўстлиги» майдонида, Олий Мажлис биноси ёнида гўё тарихимиздан садо бериб тургандек. Уни ҳар куни кўплаб ҳамюртларимиз ва хорижий сайёҳлар зиёрат қилмоқдалар.

Биз ҳам бу муқаддас қадамжо, мўътабар бинога кирамиз. Биринчи ошёнидаги 38 та ҳужранинг эшиклари очиқ. Уларда 150 нафардан зиёд ёш усталар ўз устозлари бўлмиш элликка яқин машҳур халқ ҳунармандлари жумладан, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоларидан нақкошлик, рассомлик, зардўзлик, хаттотлик, каштадўзлик, кулолчилик, заргарлик сир-асрорини ўрганиб, ҳар хил совғабоп ашёлар, санъат асарлари яратмоқдалар.

Хорижий сайёҳлар ҳужрадан ҳужрага ўтиб, ҳар хил манзаравий расмлар, мумтоз хат ва ранглар билан безатилган бетакрор сандиқчалар, қути, лаган ва бошқа ашёларни сотиб олишади. Бизнинг диққат-эътиборимизни эса мадраса меҳробининг пештоқига битилган шеърий қитъа тортади:

Ин чи муборак биност,
арш барин жабҳасост,
Чунки бувад манзили
мўйи латифи Расул.
З-он зи сари фахр гуфт:
Мир ба таврихи у:
Бақъаи олий мўи шарифи Расул...

Шеърнинг охирги мисрасидаги биринчи сўзни ўқишга қийналдим. Гап шундаки,2002 йил ушбу ёзув «реставрация» бўлган экан ва бу ишни бажарган уста классик матнларни ўқишдан бебаҳра экан. Шу боис, ҳарфларнинг нуқталари қолиб кетиши эҳтимоли бор. Ҳолбуки, «кўз» сўзидан бир нуқта ёзилмай қолса «з» ҳарфи «р» ўқилиб «кўз» «кўр» бўлади. Мазкур шеърий қитъанинг тўртинчи сатрининг биринчи сўзига келсак, нуқталар жойи алмашилса, ёки биронтаси ёзилмай қолса, сўз ўзгача мазмун касб этиб, натижада ушбу «тарих моддаси» абжад йўли билан ҳисоблаб чиққанда ғалати чиқади. Зеро, ушбу шеърда «Мир ифтихор билан бу тарихни битган» (шеърнинг учинчи мисрасини мазмуни-М.О.) Шу боис бу сўздаги нуқталар катта аҳамиятга эга. Сўзни «яфъа» деб ёки «яфға» деб ҳам ўқиш мумкин... Мазкур сўз ва қитъанинг мазмунига ойдинлик киритиш учун, аниқроғи: Пайғамбаримизнинг (с.а.в) муқаддас сочлари бинонинг қайси жойида эканлигини аниқлаш мақсадида мадраса мудири Абдулазиз Муҳаммадкаримовнинг ҳузурига кирдим. У киши мадраса ҳақида ёзган китобларида («Гўзаллик маскани» Т.2002 йил) ҳам шеърни араб тилидаги битик деб изоҳ берган.

Мадраса ҳужраларида Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Мунавварқори Абдурашидхонов, адиблар Ғулом Зафарий, Саидаҳмад Васлий (Абулқосим эшоннинг самарқандлик жияни) яшаб, илм олганликларидан хабар топиб, мадрасани кенгайтириб, қайта қурдирган Абулқосим эшонга нисбатан меҳрим ошди. Бу жойнинг муқаддас, жонли тарих эканлиги Абулқосим эшоннинг ҳаётига бўлган қизиқишимни янада орттирди.

Мадраса меҳроби пештоқига ёзилган шеърий қитъага "тилсим"ланган сатрлар мазмунини аниқлашга қизиқишим ортди. Шеърда ушбу бинода Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг латиф сочлари сақланиши, шу боис у "арши барин", яъни жаннатдек муқаддаслиги баён этилган. Тўртинчи мисра «тилсими» мени ўзига ром қиларди. Реставрация пайтида тўғри кўчирилганмикан, деган фикр хаёлимдан чиқмасди. Гап шундаки, арабча алифбодаги ҳарфлар абжад билан олиб қаралса, ҳар бири маълум рақамни англатади.

Мусулмон оламида, пайғамбаримиздан (с.а.в) қолган барча буюмлар, жумладан, сочлари — мўйи муборак алоҳида хонақоҳларда сақланиши, у жойлар муқаддас зиёратгоҳларга айлангани тарихдан маълум. Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида "Хирқаи муборак" номли улуғвор ва муқаддас мақбара мавжуд, унда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг хирқа-чопонлари сақланади. Ривоятларга кўра, хирқа олдин Бухорода сақланган, кейинчалик Қандаҳорга олиб келинган. Қандаҳор аҳолиси, бошқа шаҳарлардан келадиган сайёҳ-меҳмонлар, албатта бу мозорни зиёрат қилиб ўтишларини ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Зотан, "Хонақойи мўйи муборак"ни қайта қуриб, йирик мадрасага айлантирган Абулқосим эшон узоқни кўра биладиган донишманд бўлган. Мадрасани ўз маблағидан қуриб, шогирдларини маош ва жой билан таъминлаши бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Абулқосим мадрасаси мажмуасидаги масжид, ҳаммом, савдо растаси, дўконлар, ҳовуз, хиёбонлар бузилиб кетган бўлса ҳам муҳандислик нуқтаи назаридан ҳам у эътиборга лойиқ. Очарчилик сабабли 1929 йили Самарадан кўчириб келтирилган 70 оила ушбу мадраса ҳужраларида яшаб, халқ ўртасида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга эга, кўп тилларни ўзлаштирганлигини таъкидлашган.

Абулқосим мадрасаси ва унга асос солган инсон ҳақида аниқлаганларимни қоғозга туширдим. Аммо назаримда, "тилсим" ҳануз очилмагандек туюларди. Мавзу атрофида ўйланиб юрардим. Бир куни самарқандлик яқин дўстим, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист" Азиз Юнусов маҳалладоши — академик Шавкат Воҳидов нашрга тайёрлаган "Сипандий Самарқандий" номли китобни менга ҳадя этиб: "Биласизми, Сипандий — Шавкат Воҳидовнинг буваси. Бу — бир гап. Иккинчиси — китобда Абулқосим эшонга бағишланган ажойиб бир ғазал бор", — деди.

Ҳақиқатда, китобнинг 78-бетида "Дар сифати эшон Абулқосимхони Тошканди" (Саидаҳмад Васлийнинг тоғаси) деган сарлавҳа остида 22 мисра қасида чоп этилган. Унда, жумладан, шундай сатрлар бор:

Дар сурати куняат исми Муҳаммад аст,
Чун дар чавони қурб Абулқосим Аҳмад аст.
Мавсуф бар сифоти камолот беҳад аст,
Зоте, ки он ба сайиди кавнай мусаннад аст.
Пиндорамат, ки Маҳдии охирзамон туй,
З-он рў, ки аз ҳидояти ту халқ маҳмад аст.

Мазмуни:
Исминг куня сувратида Муҳаммаддур,
Қурб аҳли олдида Абулқосим Аҳмаддур.
Улким, камолот сифатлари беҳаддур,
Зотким, кавнайн сайдида мусаннаддур.
Кўз ўнгимда охирзамон Маҳдийси сен сан,
Зероки, сени ҳидоятинг ила халқ маҳмаддур.

«Тарихий воқеаларни, шахслар фаолиятини изоҳлаш йўли билан, одамларни асл ҳақиқатдан огоҳ этишимиз керак».

Ислом КАРИМОВ.

«МУСТАҚИЛЛИК — ЁШЛАР НИГОҲИДА» кўрик-танловига

«МИНОР»НИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Баҳромжоннинг ишбилармонлиги, ғайратлилиги ва қўнгли очиқ йигит эканлигини бир қарашда илғаш қийин эмас. Ҳозирда у Жарқўрғон туманидаги «Минор» саёҳат-туризм хусусий фирмасининг бош ҳисобчиси бўлиб ишламоқда. ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туман кенгаши бу йигитнинг билимдонлиги, зукколиги ва фидойилигини муносиб баҳолаб, партиянинг «Ёшлар қаноти» раиси этиб сайлади. Баҳромжон Зулфиқоров тез орада ёшлар етакчиси сифатида ҳурмат қозонди. Туманда болалар спортини ривожлантиришга ҳомийлик ёрдамлари, ёшларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этиш, уларнинг компьютер саводхонлигини ошириш, мактаб битирувчиларини турли касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларига тайёрлаш каби хайрли ишларга бош-қош бўлиб келмоқда.

«Минор» саёҳат-туризм фирмаси раҳбари Барно Нормуродова Баҳромжоннинг ташаббусини қўллаб-қувватлади. Тез орада компьютер ўқув маркази ташкил этилди. Шундай қилиб, ёшларнинг янги ахборот технологияларини яхши ўзлаштириб олишларига имкон яратилди.

Яқинда тумандаги маҳаллаларнинг 11 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Футболимиз келажаги» спорт турнирида ғолиб деб топилган Н.Боймуродов номли маҳалла болалари вилоят босқичида ҳам фахрли 1-ўринни эгаллади. «Минор» саёҳат-туризм хусусий фирмаси жамоага 300 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

— Ўқувчи ёшларимиз танловнинг республика босқичида ҳам фахрли 2-ўринни олишди, — дейди Баҳромжон Зулфиқоров мамнуният билан. — Туманимизда турли мусобақаларда қатнашиб, бундай юқори натижаларга эришаётган ёшларимиз кўп. Уларнинг орзулари ушалиши йўлида ёрдамимизни аямаймиз.

Айни вақтда туманда 5-10-синф ўқувчилари ўртасида «Ёз — 2006» спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Спортнинг 16 тури бўйича бўлиб ўтаётган мазкур тадбирлар ташаббускорлари сафида туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, халқ таълими бўлими, ЎзМТДП туман кенгашининг «Ёшлар қаноти» ҳам бор.

Ёшларнинг дарди билан яшаш, уларни қўллаб-қувватлаш, муаммолари ечимини излаш, соғлом ва баркамол бўлиши учун барча имкониятлардан фойдаланиш ЎзМТДП Жарқўрғон туман кенгаши «Ёшлар қаноти»нинг асосий мақсадига айланган.

Тумандаги партия аъзоларининг 60 фоизини 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади. Ҳар бир сиёсий партиянинг жамиятимизда мустаҳкам ўрин эгаллаши унинг ёшлар орасига қай даражада кириб бора олишига ҳам боғлиқ.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш масаласи ҳам «Ёшлар қаноти»нинг доимий диққат марказида. Ана шу мақсадда жойларда ижтимоий сўровлар, мониторинг ишлари ташкил этилмоқда. Ўтказилаётган сўровлар, мониторинг маълумотлари ва ёшлар мурожаатлари асосида ишсизлик, гиёҳвандлик, ОИТС, жиноятчилик, зарарли оқимлар таъсирига берилиш каби муаммолар ечими юзасидан аниқ таклиф ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Бу борада тегишли идоралар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Айниқса, ёшлар учун янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича сезиларли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, «Минор» саёҳат-туризм фирмасида 20 нафар ёш иш билан таъминланди.

— Баҳромжон ёшларнинг ҳақиқий қаноти. Қанот қанча мустаҳкам бўлса, парвоз баланд бўлиб, юқори чўққилар забт этилади,— дейди партиянинг туман кенгаши раиси Шарофат Бердиева. — Баҳромжон изланувчанлиги, ҳар бир ишда фидойилиги билан партиямиз ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати орасидаги кўприкни мустаҳкамлаб бормоқда. Партиямиз сафида шундай шижоатли ва меҳнатсевар йигитлар борлигидан фахрланамиз.

Райҳона ХОЛМУРОДОВА.

СПОРТ МАЛИКАСИ

Истиқлол туфайли Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига бор куч-ғайрати ва қалб қўрини бағишлайдиган, ақлан баркамол, жисмонан соғлом ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилди. Наманганлик моҳир спортчи Гулбаҳор Дадабоеванинг ҳаётида ҳам Мустақилликнинг қадр-қиммати алоҳида ўрин тутади.

— Болалар спортига берилаётган эътиборни истиқлол меваси, дегим келади,— дейди Гулбаҳор. — Мустақиллик йилларида ўзим каби бир қанча ёшлар халқаро спорт мусобақаларида муваффақиятларга эришиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтариш имконига эга бўлишди. Спорт билан шуғулланиш ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом қилади одамни. Тани-жони соғлом одамгина яхши ишлар қилишга, мақсад сари интилишга ўзида куч ва ирода топа олади.

Гулбаҳорнинг гапларида жон бор, кундалик бадантарбия, бир тартибда машғулотлар олиб бориш, ўзини чиниқтириш тан ва руҳ саломатлиги гарови. Кейинги йилларда жойларда ўқувчи ва талаба ёшларнинг турли хил спорт турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилмоқда, тўгараклар иши йўлга қўйилган. Мураббийлардан таълим олаётган ўсмирларнинг тажрибаси ошиб бораётгани, бирин-кетин ютуқларга эришаётгани янгилик эмас, албатта. Ўз иқтидорини намойиш этиш учун ички бир сезги, интилиш, бардамликни топиб олишмоқда ёшларимиз. Бўш вақтларида спорт билан мунтазам шуғулланиб борадиган одамнинг бекорчи ишларга вақти ҳам, хоҳиши ҳам бўлмайди. Қизларимизнинг спорт тўгаракларига аъзо бўлаётгани уларнинг келажаги учун мустаҳкам замин яратади.

Болалигидан Гулбаҳор шарқона якка курашнинг каратэ турига қизиқди. Машғулотларга фаол қатнаша бошлади. Мураббийи Аюбхон Тошбоевнинг йўл-йўриқларини ўз вақтида, сабот билан бажарар, қийинчиликлардан қўрқмасди. Буни қарангки, у ўн тўрт ёшида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Гулбаҳор Дадабоева бу ғалабанинг нашидасини яна тўрт марта тотиб кўрди. Бундан ташқари, у 2004 йилнинг декабрида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё чемпионатида қитъамиз қизлари орасида фахрли ўринни эгаллаб, чемпионлик медали соҳибаси бўлди. У яна бир қанча халқаро мусобақалар иштирокчиси ҳамдир. Гулбаҳор қайси турнирда иштирок этмасин, доимо ғолиблар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Шунинг учун бўлса керак, наманганликлар каратэ бўйича 1-Дан қора белбоғ соҳибаси бўлган бу қизни «спортимиз маликаси» дейишади фахр билан.

Гулбаҳор ҳозирда Наманган Давлат университетида таҳсил олмоқда. У ўқиётган факультет талабаларининг ҳаммаси ҳам бўлажак спорт мураббийларидир. Уларнинг орасида қизлар ҳам кўп. Суҳбатдошимизнинг айтишича, қизлар учун спорт билан шуғулланиш ниҳоятда фойдали экан. Бунинг сабабини у қуйидагича изоҳлайди:

— Ўзимдан қиёс, бўш вақтимнинг ўзи йўқ, баъзиларга ўхшаб зерикишни билмайман. Соғлиғим яхши, дори-дармонга эҳтиёжманд бўлавермайман. Танлаган йўлим ҳар қандай вазиятда ҳам менга руҳан мадад бериб туради.

Дарҳақиқат, ҳаётда шундай кишилар бўладики, бир қарашдаёқ тонгда очилган гулдек ярқираб кўзга ташланади. Гулбаҳорни кўрган, у билан суҳбатлашганларда ҳам ана шундай таассурот қолишига аминман.

Оқилжон ДАДАБОЕВ.

● *Мозий*

МАДРАСАСИ ҳақида нима биламиз?

Шоир Сипандий (1829-1909) ва Саидаҳмад Васлий (1869-1925) ўзбек ва тожик адабиёти тарихида муҳим ўрин эгаллаган адиблардан саналади. Сипандий ва Саидаҳмад Васлий ўша даврнинг кўзга кўринган шоиру жамоат арбобларидан эканлигини инобатга олсак, Абулқосим эшонга атаб қасида ёзилгани у Тошкентдагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади. Юқоридагилардан хабар топганимдан мамнун бўлсам-да, яна муҳимроқ янгилик топилиб қолар, Абулқосим эшоннинг набираси Ҳабибуллахон Қосимов ҳаёт. У билан урушдан кейинги йиллар МГУда танишганмиз. У кимё соҳасида малакали мутахассис, табиблик ҳам қўлидан келади. Сизни у билан таништираман", — дедилар.

Соғайганимдан сўнг уч ака-ука Сирожиддиновлар ҳақида «Уч чинор» деган очерк ёздим. Уни ўқиган Абдуманнон ака қўнғироқ қилиб, миннатдорчилик билдириб, суҳбатимиз охирида шундай деди: "Сизни Ҳабибуллахон қидиряпти, кечқурун уйда бўлинг, қўнғироқ қилади». Дарҳақиқат, кечқурун мен ҳаяжон билан кутган қўнғироқ бўлди. Ҳабибулла Қосимов билан телефонда анча гаплашиб, учрашишга келишиб олдик, ниҳоятда сарафроз эдим.



Ҳабибуллохон ака ўрта жуссали, ёшлари 60 атрофида кўринса ҳам, 75 дан ўтган, юришлари чаққон, сўзлари бийрон, мантиқли, юз-кўзларидан нур ёғилиб туради. "Ўзстандарт"да бўлим бошлиғи бўлиб ишларкан. Суҳбатларимиздан бирида у киши Абулқосим эшон "Шажара" — насабномасидан бир нусхасини менга иньом этиб, бу авлодга нисбатан бўлган мудҳиш муносабат тўғрисида гапириб, ҳатто 1941 йили бир кечада бу авлоддан 9 киши қамоққа олингани, уларнинг барчаси "халқ душмани" деб отишга ҳукм қилингани тўғрисида афсус-надоматлар билан сўзлаб берди.

Абулқосим эшон насабномаси форс-тожик тилида, 116Х20 см ҳажмда анъанавий тарзда ёзилган. Ҳужжат 1907 йил 17 майда Тошкент шаҳридаги Себзор маҳалла қозиси Ғуломрасулҳожи томонидан тасдиқланган. Унга кўра, Абулқосим эшон насабларининг Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в) ва Ҳазрат Алига бориб тақалади. Бу «Олтин занжир» силсиласи (силсилат-уз-заҳаб)дан Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари, Ҳожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзамларнинг маънавиятимизга қўшган ҳиссалари беқиёс. Улар ҳамиша халқ билан бирга, унинг хизматида бўлганлар. Натижада шоҳу гадонинг ҳурматига сазовор бўлганлар. Улар, жумладан, Ҳожа Аҳрор Валий, нафақат мурид ва муршидларни, ҳаттоки, подшоҳларни ҳам ножўя, нопок уруш-жанжаллардан сақланганлар. Абулқосим эшон ҳаёти ҳам худди шундай ўтган. У кўп тилларни, жумладан, рус тилини билган. Тошкент аҳолисининг бошига кулфат тушганда генерал-губернатор ҳузурига кириб, халқни азоб-уқубатдан сақлаган. У киши билимдон зиёли эканлигини шарқшунослар Н.П.Остроумов «Сарть этногрофический очерки», В.П.Наливкин «История Какандского ханства» номли асарларида батафсил қайд этишган. 1892 йил Тошкентда юз берган халқ қўзғолони «Вабо исёни» номи билан тарихда қолган. Тарихий манбалар бу қўзғолонда Абулқосим эшоннинг роли катта эканлигини тасдиқлайди.

* * *

Абулқосим эшон минтақа ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Энг аввало, халқ манфаатларини кўзлаб иш тутган. Ҳазрат Ҳожа Аҳрор ўз мактубларига «Ал-фақир Убайдуллоҳ», деб имзо чеккан бўлсалар, Абулқосимхон ўзини «Ходим-ул-фуқаро» (халқ хизматкори) деган. Шу ўринда бир далил келтирайлик: юқори лавозимда бўлган фон-Кауфман 1872 йили тегишли идорага хат йўллаб, Абулқосимхон мадрасасининг йўналиши, қанча одам ўқиши ва қандай моддий манбага таяниши ҳақида тўлиқ маълумот берилишини талаб қилган. Бу мадраса ва унинг соҳиби ҳукмдорларнинг доимий назоратида бўлганлигини кўрсатади.

Тарих бу — сабоқ, уни ўрганиш савоб иш. Ҳурлик, озодлик йўлида жон фидо қилган қаҳрамонларимизни эслаш руҳиятимизга қувват бағишлайди, миллий ғояларимизнинг тикланиши учун хизмат қилади. Чунки, Абулқосим эшон, Солиҳбек додҳоҳ, Васлий каби улуғ маърифатпарвар, жадидия намояндалари илк бор ҳурриятимиз байроғини кўтаришган эдилар.

Шажарада Абулқосим эшоннинг отаси Эшонхонтўра, унинг падари бузруквори эса Сайид Азимхон эшон қайд этилиб, бобокалонлари ҳам кўрсатилган. Тошкентлик машҳур Аъзамхонқори (бу киши Абулқосим мадрасасида таълим кўрган) оталари сўзларига таяниб айтганларки, Сайид Азимхон эшон чуқур билимли бўлган экан. У киши нафақат Тошкент мадрасаларида мударрислик қилган, балки ҳар йили бир марта Шом сафарига бориб, у ерда ҳам мадрасаларда дарс берган.

Маъруф ОТАХОНЗОДА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Маъруф Отахонзода тарихий, маънавий-маърифий мавзулардаги, матншуносликка оид чуқур таҳлилий мақолалари билан газетхонларга яхши таниш. Айниқса, унинг Амир Темур, Шайх Абубакр Шиблий ҳаётига оид тадқиқий асарлари кенг жамоатчиликда катта таассурот қолдирди. М.Отахонзода 2004 йилда «Энг улуғ, энг азиз» республика ижодий танловининг ғолибларидан бири деб топилган бўлса, 2005 йили «Йилнинг энг фаол журналисти» мукофотига сазовор бўлди.

● *Такрор мутолаа*

Абдулла ҚАҲҲОР

МИНГ БИР ЖОН

Мартнинг охирги кунлари. Кўк юзида сузиб юрган булут парчалари офтобни бир зумда юз кўйга соляпти. Офтоб ҳар сафар булут остига кириб, чиққанда баҳор келганидан бехабар, ҳануз ғафлатда ётган ўт-ўланни, қурт-қумурсқани уйғотган, аввалгидан ҳам ёруғроқ, иссиқроқ нур сочаётгандай туюлади.

Касалхонага яқинда тушган Мирраҳимов, жиккаккина киши, ўзига жуда ҳам катта кўк халатга бурканиб, енгчадан бошини чиқариб турган сичқондек, деразадан кўчага қараб ўтирган эди, бирдан тутақиб кетди; шундай ҳаво бўлса-ю, оёқ-қўли бутун одам кўчага чиқолмай, деразадан мўралаб ўтирса!..

Мирраҳимов, жуссаси кичкина бўлгани билан, товуши жуда йўғон ва унинг устига секин гапиролмас эди. Сестра югуриб кирди. Мирраҳимовнинг соғлиғини, кайфини сўради, кейин дардни бардош енгади, бу хусусда Мастура Алиевадан ибрат олиш керак, деган мазмунда шама қилди.

Мастура Алиева саккиз ойдан бери палатадан чиқмай ётган оғир хаста. Уни касалхонада ҳамма билар, кўп киши кириб кўрган экан. Мирраҳимовнинг одамгарчилиги тутиб кетди:

— Шу шўрлик аёлни бир кириб кўрайлик! Уч кунлиги борми, йўқми... Соб бўлган дейишади...

— Ҳа, анча оғир, — деди сестра хўрсиниб, — ўн йил дард тортиш осонми!

Пойгақдаги каравотда китоб ўқиб ётган Ҳожи ака деган хаста йўғон гавдасига номуносиб чақ-қонлик билан бошини кўтариб, кўзидан ойнагини олди.

— Ўн йил? Ўн йилдан бери касал эканми?

— Ҳа, ўн йил бўлибди. Бечора турмуш қилганига бир йил бўлар-бўлмас шу дардга йўлиққан экан. Томоғидан ҳеч нарса ўтмайди. Овқатни қорнига қуйишади... Тешиб қўйилган... Баъзан ўзи қуяди, баъзан эри...

Ҳожи аканинг кўзлари ўйнаб кетди.

— Эри? Эри борми?

— Бор. Шу ерда. Беш ойдан бери бирга!

Ҳожи ака узоқ анграйиб қолганидан кейин:

— Ўн йил касал боқиб, яна касалхонада ҳам биргами? — деди.

— Шуни айтинг, — деди сестра. — Докторга ялиниб-ёлвориб палатага каравот қўйдириб олди.

Ҳожи ака дардга бу қадар бардошли аёлдан ҳам кўра, бунчалик вафодор эрни кўришга иштиёқманд бўлиб қолди-ю, халатининг белбоғини маҳкам боғлаб, шиппагини кийди.

— Қани, юринглар, табаррук одамлар экан, бир кўриб чиқайлик.

Сестра Мастура билан унинг эрига хабар бергани кетди.

Ҳаял ўтмай, қорни чиққан Ҳожи ака олдинда, узун коридордан ўнинчи палата томон йўл олдик. Палата эшиги олдида бизни ҳиндига ўхшаган қоп-қора, катта-катта кўзлари ёниб турган бир йигит, афтидан, Мастуранинг эри камоли эҳтиром билан кутиб олди ва ҳар қайсимизга айрим миннатдорчилик билдириб, ичкарига йўллади. Палатага кирдик. Шу пайт офтоб яна булут остига кирди-ю, палатани шом қоронғилиги босди. Каттакон деразанинг чап томонидаги каравотдан заиф, йўқ, заиф эмас, майин товуш эшитилди:

— Келинглар... Раҳмат! Одамга одам қувват бўлади, минг раҳмат! Акрамжон, курси қўйиб беринг...

Офтоб яна ёришди. Мастурани баралла кўрдик... Кўз ўнгимизда хаста эмас, ўлик, ҳақиқий ўлик, сап-сариқ, тери-ю суякдан иборат бўлган мурда ичига ботиб кетган кўзларини катта очиб ётар эди... Тобутда ётган ўликнинг қўлими, оёғими бирон сабаб орқасида беҳосдан қимирлаб кетса, киши қай аҳволга тушади? Унинг ўлим пардаси қоплаган юзида чақнаб турган кўзларини кўрган киши худди шу аҳволга тушар эди.

Боя бизни кутиб олган йигит — Акрамжон курси қўйиб берди. Мирраҳимов икковимиз ўтирдик. Ҳожи ака йўғон гавдаси билан Мастурани тўсиб тикка туриб олди. Ёнимдаги курсини суриб, Ҳожининг этагидан тортай десам, қорни силкиняпти... Ажабо, бу одам нега кулаётибди, деб афтига қарасам... ранги бўз бўлиб кетибди! Унинг кўрққанини пайқаб, сестра дарров йўл қилди:

— Ие, Ҳожи ака, сизга дори бериш эсимдан чиқибди-ку, юринг! — деди ва Ҳожини етаклаб чиқиб кетди. Ҳожи коридорга чиқиб йиқилармикан деб ўйлаган эдим, йўқ, хайрият, гумбурлаган товуш эшитилмади...

Сестра Ҳожини йўл қилиб олиб чиқишга чиқди-ю, лекин барибир, Мастура пайқади. Жуда-жуда хунук иш бўлди. Мирраҳимов икковимиз нима дейишимизни, нима қилишимизни билмай қолдик. Бу ҳол касалга қандай таъсир қилди экан, деб секин қарадим. Мастура қонсиз лабида табассум билан эрига юзланди:

— Акрамжон, хотира дафтарингизга ёзиб қўйинг: уч марди майдон мени кўргани кирган эди, биттаси аранг қочди-ю, иккитаси қочгани ҳам бўлмай, ўтириб қолди.

Мастура пиқирлаб кулиб юборди; яна кулди, ёш боладай ўзини тутолмай қиқирлар эди. Бу ҳазил ва айниқса, кулги аввал хунук, одамнинг этини жимирлатадиган даражада хунук эшитилди, кейин нечундир, Мастуранинг юзидан ўлим пардаси кўтарилгандай, ҳаёт тўла кўзлари ўлик юзига жон киргизгандай бўлди. Мирраҳимов Ҳожи аканинг қилмиши тўғрисида узр тариқасида бир нима демоқчи бўлиб гап бошлаган эди, Мастура сўзини оғзидан олди:

— Бунақа нарса менга таъсир қилмайди, — деди, — Акрамжон, буларга тобут воқеасини айти беринг... Йўқ, йўқ, ўзим айтиб бераман! Бунга беш йилдан ошди. Кўз олдимдан кетмайди... Қалин қор ёққан кун эди. Мен деразанинг рўпарасида мана шу хилда ётибман, Акрамжон пайпоғини ямаётган эди, шекилли... Бирдан кўча эшигимиз очилди-ю, қизил бир нарса кирди, нима экан деб қарасам — тобут! Акрамжоннинг иккита ўртоғи ҳовлимизга тобут кўтариб кирди! Юрагим жиғ этиб кетди... Вой, шўрим, наҳот ўлган бўлсам... То эс-ҳушимни ўнглаб, Акрамжонга бир нима дегунимча, бояги иккови тобутни деворга суяб қўйиб, уйга кириб келди; уйга кирди-ю, мени кўриб иккови ҳам бояги Ҳожи акангиздай шайтонлаб қолаёзди. Акрамжон ҳайрон... Мен ана кетди, мана кетди бўлиб ётган эдим-да, ўша куни эрталаб биров автобусда йиғлаб кетаётган бир болани кўриб, менинг укамга ўхшатибди-ю, шундан ҳалигидай гап тарқалибди. Тобутни бузиб печкага қалашди... Менга шу ҳам таъсир қилгани йўқ. Бунақа нарсалар ўлим кутиб ётган касалга ёмон таъсир қилиши мумкин, мен ҳеч қачон ўлим кутган эмасман, кутмайман ҳам! У ёғини суриштирсангиз, мен одам боласининг ўлим кутишига, яъни дунёдан умид узишига ишонмайман. Ҳатто тилдан қолган касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас, балки «розилик тилашгани ҳали эрта», дермикан деган умид билан қарагани, деб биламан.

Акрамжон Мастуранинг биз билан ёзилиб ўтирганига қанчалик хурсанд бўлса, толиқиб қолишидан шунчалик хавотирда экани кўриниб турар эди; шунинг учун Мастурага тез-тез дам беришни кўзлаб, кўпроқ бизни гапиртиришга, ўзи гапиришга ҳаракат қиларди.

— Сизнинг нима дардингиз бор? — деди Мирраҳимовга юзланиб.

Мирраҳимов бирданига учта дарднинг номини айтди.

— Вой, шўрим!.. — деди Мастура. — Жиндаккина жонингизга-я! Шу жуссангизга учта дард сиғдими?

Бўлди кулги! Айниқса, Мирраҳимов завқ қилиб кулди. Касаллик, ўлим тўғрисидаги гап тугаб, хушчақчақ суҳбат бошланишига илҳақ бўлиб турган Акрамжон Мастура бошлаган аскияни илиб кетди; аскияга жуда уста экан, оламда дард нима, ўлим нима эканини буткул унутиб, роса кулишдик. Афсуски, Мирраҳимовнинг йўғон товуши суҳбатимизнинг бузилишига сабаб бўлди: бош врач коридордан ўтиб бораётиб, унинг бесўнақай кулгисини эшитган бўлса керак, эшикни очиб қаради ва Мастурага зеҳн солиб, унинг юзида ҳорғинлик кўрди шекилли, бизни чиқариб юборди. Акрамжон кетимиздан чиқди, бизнинг бу илтифотимиз Мастурага қанча куч-қувват беришини айтиб, кўнглида мавж уриб, ёш пардаси босган кўзларида кўриниб турган чексиз миннатдорчилик туйғусини айтиб битиролмас, афтидан, Мастуранинг бир минутлик ороми учун ўнг кўзини ўйиб беришга ҳам тайёр эди.

Палатамизга қайтдик. Ҳожи ака каравотида ёнбошлаб, қанд чой ичиб, ўзини елпиб ётар эди. Бўлиб ўтган хижолатлик иш тўғрисида у ҳам индамади, биз ҳам индамадик. Ҳожи акага бир нима дейиш у ёқда турсин, Мирраҳимов икковимиз ҳам кечгача бир-биримизга сўз қотмадик: борлиғимиз Мастура билан банд, қуюндай чарх ураётган таассуротлар, фикрлар, туйғуларни ифода қилгани сўз тополмас эдик.

Кеч кирди. Ҳожи ака ўртачароқ хуррак отиб, уйқуга кетди. Мирраҳимов дам-бадам у ёқдан бу ёққа ағдарилар эди, ниҳоят менинг уйғоқ эканлигимни пайқаб, бошини кўтарди:

— Бу хотиннинг жони битта эмас, минг битта! — деди. — Ҳозир тугаб қолган шамдай липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам қолган мингтасини ёқиб, кейин сўнади. Мана шу ишонч Мастурага ўлимни йўлатмайди.

Мирраҳимов узоқ жим қолганидан кейин яна бирдан:

— Эри-чи, эри? — деди. — Бу йигитнинг ҳам рафторидан, йигитлик умри минг битта-ю, шундан биттагинасини Мастурага қурбон қиляпти.

Эртасига Мастура ҳақида яна бир кўнгилсиз гап эшитдик: бечоранинг томоғидан ҳеч нарса ўтмаслиги устига қорнига тез-тез сув тўпланар экан...

Кунлар ўтиб, ҳаммамиз тарқалдик. Мирраҳимов ўзининг МТСига, Ҳожи ака курортга кетди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин шу томонга йўлим тушди-ю, касалхонани босиб ўтолмадим; кириб таниш сестрадан сўрасам, Мастура бир соатдан кейин операцияга ётар экан. Докторлар операция столидан туролмайди деб, беш ойдан бери унинг раъйини қайтариб келишар экан, охири бўлмабди — Мастура ўлсам, товоним йўқ, деб тилхат берибди.

Кириб кўрай десам, доктор ижозат бермади. Менинг йўқлаб келганимни кўрса, далда бўладиган бирон сўз айтсам, зораки дармон бўлса, деб кутдим.

Вақти-соати етганда Мастурани сестра билан Акрамжон икки томондан суяб олиб чиқишди. Лекин эшикдан чиқиши биланоқ, Мастура икковини икки томонга итариб, ўзи юрди, бардам қадам ташлаб, операция залининг эшигини ўзи очиб кириб кетди. Акрамжон, бутун диққати хотинида бўлганлиги учун мени пайқамади. Мастура эса менга бир қаради-ю, танимади шекилли, индамади.

Операцияга докторларнинг кўнгли чопмагани, хастанинг ҳоли ўзига маълум бўлгани учун Мастуранинг ўлим юзига бунчалик тик қарагани қоронғида қўрққан киши ашула айтганидек гап, деган ўйга бордиму опреациянинг натижасини кутмадим. Кечқурун касалхонага телефон қилмоқчи бўлганимда, ростини айтсам, телефон трубкасини дадил ололмадим. Йўқ, хайрият, Мастура операциядан бардам турибди.

Шундан кейин мен узоқ сафарга кетдиму Мастуранинг тақдиридан бехабар бўлдим, лекин уни тез-тез эслар эдим. Бу тоқати тоғ, жони темирдан инсоннинг тузалиб кетишини, яшашини, узоқ умр кўришини унинг ўзидан ҳам кўпроқ тилар эдим. Шунинг учун орадан уч йил ўтгач, Акрамжонни бир бегона хотин билан кўрганимда, аламимдан дод деб юбораёздим.

Пахта байрами ҳеч қаерда Мирзачўлдагидек қизиқ ўтмаса керак, чунки бу ерга республиканинг турли областларидан келган одамлар ўз областининг ашуласини, ўйинини ҳам олиб келган, дейишади. Пахта байрамини ёр-жўралар билан Гулистон районида ўтказдик. Акрамжонни боя айтганим хотин билан шу ерда, Гулистон район марказининг чиқаверишида кўрдим. Ўрта бўйлик, хушқомат, вужудидан ёшлик кучи ва ғайрати ёғилиб турган қоп-қора жувон отда олма еб, йўл бўйида турар, Акрамжон ўз отининг айилини қайта боғламоқда эди. Акрамжон мени кўриб қолди-ю, жувонга бир нима деди. Жувон дарров отдан тушди. Иккови югуриб келди. Иккови ҳам мен билан жуда эски қадрдондай сўрашди. Бироқ мен, ҳарчанд қилсам ҳам, палатадан чиқиб, операция залига кириб кетаётган Мастура кўз ўнгимдан кетмай, булар билан самимий кўриша олмадим: Акрамжонни бир нав қучоқлаган бўлдим, жувонга эса қўлимнинг учини бердим.

— Амаки, мени танимадингизми? — деди жувон ва хуржундан иккита олма олиб, бирини менга берди.

— Қаердадир кўргандай бўламан, лекин...

Жувон қўлидаги олмани устма-уст бир неча мартаба тишлади ва чала чайнаб ютди.

— Энди ҳам танимадингизми? — деди.

Танидим! Фақат кўзидан танидим! Кулимсираб, оламга табассум сочиб турган бу жувон ўша Мастура эди. Мен нима дейишимни билмай:

— Бу ёқда нима қилиб юрибсиз? — дедим.

Мастура кулди.

— Кучимни, ғайратимни тўла-тўкис ишга солиб юрибман, — деди.

— Операцияга кириб кетаётганингизда, мен йўлакда турган эдим, ҳаяжонда бўлсангиз керак, танимадингиз...

— Йўқ, амаки, — деди Мастура, бир оз хижолат бўлиб, — кечирасиз, атайин сўрашмаган эдим... Сўрашсам, менга тасалли берар эдингиз... Ўша тобда менга тасалли бериб айтилган ҳар бир сўз ишончимга раҳна, кўнглимга ғулғула солиши мумкин эди.

Узоқ суҳбатлашдик. Эр-хотин, отларини етаклаб, мени талай ергача кузатиб қўйишди; сўнг хайрлашиб, сўл томонга от қўйиб кетишди. Мен саҳрода лочиндай учиб кетаётган Мастура билан Акрамжонга узоқ қараб қолдим. Иккови уфққа етганда, бири орқага қайтди, ҳаял ўтмай етиб келди. Бу Мастура экан, йўлдан бир неча қадам нарида туриб:

— Амаки, Ҳожи акамга салом айтинг, — деди ва уфқда қутиб турган Акрамжонга томон от қўйиб кетди.

Шаҳарга қайтганимиздан кейин Мастуранинг омонатини топшириш учун Ҳожи акани сўроқлаб дарагини топдим, лекин саломини топширолмадим: Ҳожи ака, бечора, қазо қилган экан.

1956 йил.

● *Миллий удумларимиз*

ИСМДА МАЪНО КЎП

ёхуд ўзбекчиликда тарбия исм қўйишдан бошланади, — дейди олим Маҳмуд Саттор

— Дунёдаги барча жонли-жонсиз нарсалар, ҳаттоки оний воқеа-ҳодисаларнинг ҳам ўз номи, исми, атамаси бор. Ота-онанинг вазифаларидан бири фарзандига муносиб ном топиб қўйишдан иборат.

Қадимда ота-боболаримиз исм қўйиш одатига қатъий амал қилганлар. Исм туғилган боланинг қайси уруғдан, қандай сулолонинг нечанчи авлоди эканлиги, таваллуд топган вақти, жойи, саломатлигининг аҳволи, танасидаги алоҳида белгилар каби омилларга қараб, китоб кўриб қўйилган. Бу вазифа шаҳар, қишлоқ, маҳалла-гузарнинг кекса, ўқимишли, донишманд кишилари ихтиёрида, баъзан оиланинг кекса оқсоқоли, бувиси, айрим ҳолларда эса чақалоқларнинг қулоқларига азон айтиб "очадиган" сўфи ва муллалар ихтиёрида бўлган. Болага исм қўйиш ғоятда жиддий, масъулиятли удум саналиб, у келажакда одамнинг тақдиру-аъмоли ва ҳаёт йўлига таъсир қилади, деб тушунилган. Аввало, исмлар Оллоҳ ва пайғамбарларнинг номларидан (Расул, Акбар, Наби, Ғани сингари) олинган. Бунинг замирида фарзанд Яратганнинг марҳаматидан дунёга келди, умри узун бўлсин, Худо ёрлақасин, деган ният ётади. Худойберди, Оллоберди, Тангриберди сингари исмлар аксарият қизлар орасида туғилган ягона ўғил болага, тилаб олинган фарзандларга қўйилган. Туғилган фасли, вақт ва маросим даврига қараб, Баҳор, Наврўз, Тўйчи, Чўли, Байрам исмлари ҳам кенг тарқалган.

Шунингдек, чақалоқ оиладаги ўрнига қараб Эргаш, Ўғилой, Кўчқор, бадан белгиларига кўра Холдор, Ортиқ, Қудрат, Суннат дея аталган. Қадами хайрли келсин, деган мақсадда қизларга Хайринисо, Умриниса, Робия номлари берилган. Қозоқ, қорақалпоқ ва ўзбекнинг айрим уруғларида бола туғилган заҳоти ота ўтовдан чиқиб, таомилга кўра кўзига биринчи кўринган нарса ёки жониворнинг исмини қўйиш анъанасига амал қилган. Шу тариқа Кўчқор, Арслон, Бургут, Қалдирғоч, Бўрибой каби исмлар пайдо бўлган. Баъзи қишлоқларда сулоланинг касб-корига, ҳудуднинг турмуш тарзига мослаб Тош, Теша, Болта исмлари қўйилган. Кўпинча боланинг қайси кунда туғилганлиги ҳисобга олиниб, исм танланган. Бозорбой, Жумавой, Чоршанба каби. Отаси ҳарбий хизматга кетганда туғилганлар Асқарали, жангдан қайтмаганларнинг ўғил-қизлари Ёдгор номини олган. Исм қўйишда ўғил-қизга ота-онанинг, ака-опаларининг исми ҳам ҳисобга олинади. Кейинги номлар аввалгиларига уйқаш тарзда бўлади. Маҳмуд, Масъуд, Мақсуд янглиғ. Уруғ, табақасига қараб, Хўжа, Мир сўзи исм олдидан ёхуд ортидан қўшиб айтилади. Эгизаклар, албатта, Фотима-Зуҳра, Тоҳир-Зуҳра, Ҳасан-Ҳусан деб аталиши шарт. Исмлар вилоятларга қараб ҳам бирбиридан фарқланади. Хоразм билан Фарғонада, Сурхондарё билан Қорақалпоғистонда қўйилган исмларни алмаштириш мумкин эмас.

Подшозодаларда шажарани мустаҳкамлаш учун болага отасининг исми қўйилиб, сони оширилган. Масалан, Хоразмшоҳ Отсиз, Муҳаммад Раҳим иккинчи, Феруз икки сингари. Кўп исмлар араб, форс тилларидан олинган бўлиб, муайян маъно-мазмун ташиган. Бунинг сабаби арабча исмлар хосиятли, бахт келтирувчи, Худо, пайғамбарлар ва азиз-авлиёлар номлари бўлганлиги учун табуррук ҳисобланган.

Аждодларимиз тахаллус танлашга ҳам катта эътибор беришган. Шуни ҳам айтиш керакки, кўпинча тарихда худди шу тахаллуслар машҳур бўлиб, асрлар оша сақланиб келган. Тахаллус танлашда ҳам сулола, шажара, киндик қони томган юртга дахлдорлик инобатга олинган. Масалан, Қул Хожа Аҳмад бобомиз қадимги Ясси, ҳозирги Туркистонда камолга етгани боис, Яссавий тахаллусини ўзига ҳамроҳ қилган. Юсуф Болосоғуний, Маҳмуд Қошғарий, Абу Наср Форобий сингари номлар ҳам худди шу тамойил асосида вужудга келган. Баъзан лақаблар ҳам исм ўрнини босиб, тарих мулкида мангу сақланган. Масалан, арабча ниқоб маъносидаги Муқанна, холдор бурун маъносидаги Менглибурун, Мангуберди каби.

Собиқ шўролар ҳукумати туфайли ўша даврнинг машҳур кишилари номи билан боғлиқ исм-атамалар ҳам пайдо бўлган: Вилор — Владимир Ильич Ленин — организатор революции, МЭЛС — Маркс, Энгельс, Ленин, Сталин ва ҳоказолар. Бу исмлар, албатта, сунъий ва ўйлаб топилгандир. Чунки, кўпинча инқилобий ҳодисалар ҳам ўткинчи саналиб, исмлар эса авлоддан-авлодга ўтиб борадиган, елкасига аждодлар хотирасини юклаган муқаддас тушунчалар сирасига киради. Ҳозирда ҳам хоҳ шаҳар, хоҳ қишлоқда бўлсин, ўз даврига қараб баъзи исмлар ниҳоятда кўпайиб, баъзилари эса мутлақо йўқолиб кетаётир.

Болага исм қўйишда муайян анъаналар, тарихнинг мураккаб синовларидан ўтган удумодатларга риоя қилмай, шунчаки урф кетидан қувиш туфайли ёш ота-оналар бирор китоб қаҳрамони, кино юлдузи, атоқли шахс ва тарихий зотлар исмини ўрни бўлса-бўлмаса фарзандларига қўйиб олиш ҳоллари ҳам мавжуд. Бироқ, ақидаларга кўра бундай исмларни боланинг кўтара олиши ёки олмаслигини назардан қочирмаслик керак. Халқда булар "юки оғир" исмлар дейилади. Айтайлик, Муҳаммад, Темур, Улуғбек, Жаҳонгир деб исм қўйилган бола улғайганда ёмон ишлар қилиб юрса, албатта, бундай номлар обрўсини тўкади. Эски-ю янгилигидан қатъи назар, ўзига муносиб ном қўйилмаган бола келажакда ота-онаси, бобо-бувисидан домонгир бўлади. Баъзан бу норозилик ўз номини ўзгартириш билан тугайди.

Ўзаро муомалада исмларнинг тўғри талаффуз этилиши катта аҳамиятга эга. Бир-бирларини кўнгилга яқин олиб, ардоқловчи одамлар исмлар ортига "хон" ва "жон" қўшимчасини қўшиб, мурожаат қилишадики, бу икки ўртадаги муносабатларда фақат илиқлик туғдиради. Эътибор берган бўлсангиз, қариялар "ҳой", "ҳей" дея бир-бирини чақираётган болаларга, албатта, танбеҳ беришади.

Эр-хотинлар бир-бирининг номини айтиб чақирмайди. Жуда зарурат туғилганда, катта фарзандлари номи билан аташади. Бу ҳол шарқона нафис муносабатнинг бир белгисидир.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА ёзиб олди.

АДИБЛАР ДОНА СУРГАНДА...

Ўтган якшанба куни Бўстонлиқдаги ёзувчиларнинг дала-боғида мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган анъанавий шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Йигирмадан ортиқ шахмат ишқибозлари ўзаро куч синашиб, турнирнинг ягона ғолибини аниқладилар. Ўтган йилгидек, бу йил ҳам бош соврин журналист ва шоир Асрор Мўминга насиб этди.

Беллашув қатнашчиларига турнир ҳомийларининг махсус совринлари топширилди.

Нўъмонжон Муҳаммаджонов олган суратлар.

ТИНЧЛИК КЕЛИШУВИ ХАВФ ОСТИДА

Исроил ва Ливан ўртасидаги ярашув келишуви хавф остида. Бу ҳақда якшанба куни БМТ расмийлари маълум қилишган.

Бу баёнотга шанба куни Исроил ҳарбийларининг Ливан шарқида амалга оширган ҳарбий операцияси сабаб бўлган. Исроил армияси унинг бу ҳаракати «Ҳизбуллоҳ» гуруҳига Сурия ва Эрон тарафидан қурол-аслаҳа етказиб берилишининг олдини олишга қаратилганлигини маълум қилишмоқда.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Исроил тарафининг ўқ узишга барҳам бериш ҳақидаги 1701-сонли резолюция талабларини бузганлигидан жиддий хавотирда эканлигини билдираётган бир вақтда, Исроил ярашув келишувини бузмаганлигини ва аксинча, резолюцияда унга берилган ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланаётганини маълум қилган. Исроил тарафининг фикрича, келишувни қурол-яроғ контрабандасини тўхтатмаётган «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи бузмоқда.

Ўз навбатида, Ливан ҳукумати келишув шартларини бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатни бостириши ҳақида баёнот берган. "Ярашувни бузишга журъат этган ҳар қандай шахс хиёнаткор деб топилади, — маълум қилди Ливан мудофаа вазири Илёс Мурр. — "Ҳизбуллоҳ" гуруҳи аъзолари Исроилга қарата ўқ узишларни яна бошласа, улар ҳарбий трибуналга топширилади".

Вазир, шунингдек, 1701-сонли резолюцияга кўра, мамлакат армияси ҳозирда жанубий чегараларига яқинлашганини билдирган.

МИСРДА ФОЖИА ЮЗ БЕРДИ

Душанба куни Миср пойтахти Қоҳира шаҳридан 20 километр шимолда жойлашган Калюб шаҳрида поездлар тўқнашиб кетган. 51 киши ҳалок бўлган ва 138 киши турли даражадаги жароҳатлар олган.

«Ҳозирда воқеа жойида қутқарув ишлари давом этаётганлиги сабабли бу рақамлар ўсиши мумкин, — маълум қилган Миср ҳукумати вакили Магди Ради. — Яқин орада ҳалок бўлганларнинг расмий рўйхати эълон қилинади».

«Рейтер» агентлиги хабарларида фалокат натижасида 80 кишининг қурбон бўлганлиги айтилади.

Тўқнашув душанба куни маҳаллий вақт билан эрталаб соат еттида бир йўналишда ҳаракатланаётган поездлар ўртасида юз берган. Уларнинг бири Ал-Мансур провинциясидан Қоҳира шаҳрига, иккинчиси эса Бенха — Қоҳира йўналиши бўйлаб кетаётган бўлган. Хабарларга кўра, Ал-Мансурдан келаётган поезд тақиқловчи белгида ҳаракатни давом эттирган, оқибатда биринчисининг орқа қисмига урилган. Поездларнинг бири изидан чиқиб кетган, тўртта вагон ағдарилиб кетган.

Бу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув-тергов ишлари бошланган.

Миср шифохоналари аҳолидан қон топширишни сўраб, оммавий ахборот воситалари орқали мурожаат қилишган.

Эслатиб ўтамиз, Миср да 2002 йил февралда ҳам даҳшатли темир йўл фожиаси юз берган. Ўшанда йўловчилар билан лиқ тўла поезднинг ёниб кетиши натижасида 361 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган эди.

ЯНГИ СУД ЖАРАЁНИ БОШЛАНДИ



Душанба куни Бағдодда Ироқнинг собиқ президенти Саддам Хусайн устидан янги суд жараёни бошланди. Бу сафар экс-президент ва унинг олти нафар сафдоши курдларни геноцид қилганликда айбланишмоқда.

Айблов тарафининг маълум қилишича, Саддам Ҳусайн 1987-1988 йилларда "Анфаль" номини олган махфий операцияни амалга ошириш учун буйруқ берган. Ўша воқеаларда Ироқ армияси уч мингдан ортиқ курд қишлоқларини вайрон қилишган ва кимёвий қуроллар ёрдамида 180 мингга яқин аҳолини қириб юборган эди.

Иш бўйича айблов материаллари саккиз мингдан ортиқ варақни эгаллаган. Суд жараёнида 200 га яқин гувоҳ иштирок этиши кутилмоқда.

МОСКВАДА ПОРТЛАШ

Ўтган куни эрталаб соат 10.35 ларда Москва шаҳридаги Черкизова бозорида портлаш содир этилди. Натижада 10 киши ҳалок бўлган — улардан икки нафари болалар, 30 дан ортиқ киши жароҳатланган.

Жароҳатланганларнинг барчаси шаҳар шифохоналарига жойлаштирилган. Ушбу ҳолат юзасидан шаҳар прокуратураси Жиноят кодексининг "қотиллик" моддаси бўйича жиноят иши қўзғатган.

Портлаш натижасида 200 кв.метр майдондаги енгил қурилмалар қулаб тушган. Мутахассисларнинг айтишича, бомбанинг қуввати 200-500 грамм тротил эквивалентини ташкил этган. Фожиа содир этилиши сабаби юзасидан бир нечта тахминлар қилинган — жиноий келишмовчиликлар ёки террорчилик ҳаракати.

Гувоҳларнинг айтишича, икки нафар шубҳали шахс кафеда сумкани қолдириб, портлашдан бир неча дақиқа олдин югуриб чиқиб кетишган. Ҳозирда уларнинг фотороботларини тузиш ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар маъмурияти жабрланувчиларнинг оилаларига моддий ёрдам кўрсатилишини, шунингдек, ҳалок бўлганларни кўмиш харажатларини ҳам ўз бўйнига олган.

Олдинги йилларда ҳам Черкизова бозори ҳудудида тўрт марта ёнғин юз берган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РЕСПУБЛИКА АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ «ҒАЛЛАБАНК»

Мустақил юртимиз фуқароларини мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллиги билан муборакбод этади ва «TUHFA» деб номланган қисқа муддатли омонат турларидан фойдаланишни таклиф қилади. Мазкур омонатларга маблағлар жорий йилнинг 10 август - 8 сентябрь кунлари 3 ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 24 фоиз миқдорида устама тўланади.

Шу билан бирга, доимий равишда амалда бўлган қуйидаги омонат турларига ҳам маблағлар қабул қилинаётганлигини маълум қиламиз:

Омонат тури	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал (сўмда)	Асосий шартлари
Пластик карточка	муддатсиз	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	1000	Талаб қилиб олингунча сақланади, фоизлар кунлик ҳисобланиб, ой охирида капитализация қилинади, агар омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам қолса, шу кун учун фоиз ҳисобланмайди.
Имконият	6 ой	18,0	10000	Омонат муддати тугагандан сўнг маблағни уй-рўзғор ашёси, енгил автомобиль, турар жойлар сотиб олиш мақсадида ишлатилади.
Саломатлик	11 ой	19,8	10000	Фоизлар фақат саёҳатга чиқиш ва саломатликни тиклаш учун сарфланади.
Нафақа-мададкор	1 йил	18,0	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади.
Ishonch	3 ойдан-3 йилгача	18,0-20,4	10000дан 5000000гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Luks	3 ойдан-3 йилгача	18,6-21,0	5000000дан 10000000гача	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро тузиладиган шартномага биноан тўлаб берилади.
Kafolat	3 ойдан-3 йилгача	19,2-21,6	10000000дан юқори	Маблағ 3 ойдан 3 йилгача муддатга қўйилиши мумкин ва тегишли шкала ҳамда ўзаро шартномага биноан тўлаб берилади.
Istiqlol	6 ой	22	500000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб берилади.
Farovonlik	3 ой	21	200000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Fayzli	2 ой	20	100000	Маблағ 2006 йилнинг 25 июль - 31 август кунлари қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагач тўлаб берилади.
Меҳригиё	18 ёшгача	15,6	10000	Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига ҳомийлик асосида махсус очилади ва 18 ёшга тўлганда берилади.
Kelajak	16 ёшгача	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорида	10000	Омонат 16 ёшгача сақланиб, фоизлар молия йили якунида тўланади.
Коммунал омонати	3 ой ва ундан юқори	21,6	100000	Аҳолига уй-жой, коммунал тўловлар хизмати ва электр тўловларини омонатчи иштирокисиз, фоизлар ҳисобидан, банк томонидан тўлаб борилади.

Омонатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизларни ўз мижозларимиз қаторида кўришдан мамнунмиз!

Мурожаат учун телефонлар: 136-26-57, 136-70-60, 132-16-55, 133-71-72.

Шунингдек, вилоят ва туман (шаҳар) марказларида жойлашган минтақавий филиал ва туман филиалларимизга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Ғаллабанк» хонадонингизга барака келтирсин!

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51; Бўлимлар — 136-58-73

Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Шерзод ҲАЙИТМУРОДОВ. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 923. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2108. Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.00